



# ЁШ ЛАЕНЧИ

1991 йил  
25 январь  
Жума  
№ 14 (13.700).  
Баҳоси:  
Обуначига — 6 тийин  
Сотувага — 10 тийин.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ МУШТАРИЙ! السلام عليكم، عزيز مودتري

## Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг ФАРМОНИ

1. Фуқароларнинг ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 22 январда қабул қилинган қарорининг амал қилиш мuddатини узайтириш масалалари юзасидан кўп сонли муражаатларни инобатга олиб, минтақа ва жумҳуриятдаги пул муомаласининг ўзига хос жиҳатларини назарда тутиб, Иттифоқ органлари билан келишилган ҳолда ССЖИ Давлат банкнинг 1991 йил намунасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларини алмаштириш қўйидаги муҳлатга узайтирилсин.

— фуқаролар учун 1 февралга қадар;  
— шунга мувофиқ комиссияларнинг ишлаш мuddати 1991 йил 10 февралга қадар узайтирилсин.

2. Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш жумҳурият комиссияси зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
1991 йил, 23 январь.

## ҚУТЛАЙМИЗ!

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ БОҒОТ НОҲИЯСИДАГИ НАРИМОНОВ НОМЛИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ ЖАМОА ХУЖАЛИГИНИНГ ДЕҲҚОНЛАРИГА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА**

**Азиз ўртоқлар!**  
Сизларни жамоа хужалиги ташкил этилганлигининг 60 йиллиги билан самимий табриклайман. Утган ўн йилликлар мобайнида жамоа хужалиги аъзоларининг тинимсиз меҳнати туфайли хужалигининг кичик қишлоқ хужалик артеледан кўп тармоқли ва юксак даражада механизациялашган йirik корхонага айланди.  
Жамоа аъзолари бир неча авлодининг қизғин ва сабот-мезонат билан меҳнат қилганлиги учун жуда катта ютуқларга эришди. Шунинг қувончи билан таъкидлаш керакки, хужалигининг қишлоқ хужалик ва чорвачилик маҳсулотини ишлаб чиқариш, харид қилиш ва сотиш юзасидан режа топшириқларини мунтазам бажармоқда ва охирига адо этмоқда, юқори даражада олмақда ва колхозчиларнинг турмуш фаровонлигини оширишга, энг муҳими ижтимоий-маърифий масалаларни ҳал этишга имкон бермоқда.

Наримонов номли жамоа хужалиги меҳнатқашлари бундан бундан ҳам қишлоқ хужалик ишлаб чиқариши қувватларини ошириверишига, фан ва илғор тажриба ютуқларини бутун чоралар билан жорий этиш асосида иқтисодиётни мустаҳкамлашлариغا ишончим комил.  
Барча эркек ва аёл деҳқонларга сизат-саломатлик, ишларида муваффақият, шахсий ҳаётларида бахт-саодат тилайман.

Ўзбекистон ССЖ Президентини **И. А. КАРИМОВ.**

Рўномамиз иккундун иккунда жаморсин ҳам бу хужаликда ўз байрамини ўтказган эди. Бизнинг айёмимизнинг энг юксак даражада ўтишида хужалик фаоллари катта ибрат кўрсатишганди. «Ёш ленинчи» ижодкорлари ҳам хужалик аҳлини муборак тўйлари билан қизғин қутлайди.

## Ўзбекистон ССЖ Президентининг Фармонига шарҳлар

Ўзбекистон ССЖ Президентининг жумҳурият ҳудудида ССЖИ Давлат банкнинг 1991 йил намунасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларини алмаштириш мuddатларини узайтиришга қарор қилди.

Шунингдек, пул алмаштириш мuddати қисқалиши қабинчиликлар тўғрисида меҳнат жамоалари, касаба уюшмалари ташкилотлари раҳбарларининг жуда кўп муражаатлари ҳам ҳисобга олинди.



## Оч бикинга тушган мушт

Душанба оғир кун дейишарди. Тасодифий қарангини (ким билади, қонуний ҳол бўлиши ҳам мумкин), чоршанба ҳам шундай эди. Қиймати 50 ва 100 сўмлик пулларини алмаштириш тўғрисидаги Фармон ҳудди шу кун эълон қилинди.

Фармон, айтиш мумкин, ни, кутилмаганда, ҳам маннинг кўз ўнгидан оч бикинга мушт тушириш бўлди. Бундай муштин ҳар ким ҳам туширавермайди. Ва бундай муштиндан ҳар ким ҳам ўзини ўнглаб ололмайдди. Бойларнинг шўри курди, камбағалларнинг уйи куйди. Ахир уч кун мuddат! Унинг биринчи кунини ҳам майда гап сўз, тушунтириш ва юзғозбошлик билан ўтиб кетди. Иккинчи кунда нимага ҳам улғуриш мумкин, мушбирлик қилиб пул топшиш — нима билан кудуқ қазишдан гап, Елиб югурмасанг, ҳаловатингдан нечасанг бўлмайди. Иш кунининг ҳам таяйини йўқ. Эртанинг ташвиши билан баъзан кунини тунга улашга тўғри келади. 25 йилдини шу касбдан рўзгор тебратётган ҳамкасбларимиздан бири биринчи кунини олганда етиб қолган иккинчи ўғлини уйлamoqчи эди. Уч-тўрт минг сўм ҳам йигир ийчан эди, энди бу ёғи нима бўлади, дейди болиғи. Улу, оқ-қорани билган, юрт кўрган одам, Умиғаман, оми одамлар нима қилишайпти экан?

Ҳалиям Ўзбекистонда инсоф бор экан. Жумҳуриятимиз Президентининг кунини кечгани Фармонни қўлларини жонига оро кирди. Аммо оч бикинга тушган мушт, барбир, ўз ишини қилди. Одамларда эртанинг нунга ишонч йўқолди. Марказга ҳам.

Ўзбек борин, яхши тўй деб, ёмон ўли деб пул намуналариди. Рўзгордан қийиб, нафсини тийиб, дўноқ мудир ҳам, метро остонасида ўтирган тиланчи ҳам пул йиғадди. Йиғида ҳам 3 сўмлик, йиғида ҳам 50 ва 100 сўмликни йиғадди. Йиғида ҳам юбормасини учун, ўзини тийиши учун.


## ССЖИ ДАВЛАТ БАНКИДАН

ССЖИ ДАВЛАТ БАНКИНИНГ 1991 ЙИЛ НУСХАСИДАГИ ҚИЙМАТИ 50 ВА 100 СЎМЛИК БЎЛГАН ПУЛЛАРИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

1991 йил 23 январда ССЖИ Давлат банкнинг 1991 йил нусхасидаги қиймати 50 ва 100 сўмлик бўлган пуллари муомалга чиқарилди.

ССЖИ Давлат банкнинг қиймати 100 ва 50 сўмлик пуллари қозоғга зарб этилган бўлиб, бир томонида юлдузчалар тасвири туширилган оқ жойида В. И. Ленин портрети (барельефи) тасвирланган, иккинчи томонида эса тор оқ жойи бор.

100, 50 сўмлик пулларининг ўнг томонида: «ССЖИ Давлат банкнинг билетини» «банк билетлари олтин, қимматбаҳо металлар ва давлат банкнинг бошқа мулк билан таъминланди» деган ёзувлар бор. Пулниги юқори ва қуйи қисмида кўп рангли хошия бор.



## Бугун — Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг VIII қурултойи очилади



Ҳар бир касб эгасининг қамқатига тугган ўз ўрин бор. Журналистлар ҳам бу масъулиятдан мустасно эмас. Давримизнинг ҳар бир соати, кунини мўъжизаларга бой бўлиб турган айни пайтда журналистлар алоқида жонбозлик кўрсатишлари зарур.

Бугун пайтахтада Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг VIII қурултойи очилади. Унинг ишида кичик тартибда ҳамкасбларимиз зиммаларидаги вазифалар, режалар тўғрисида маслаҳатлашиб, кенгашиб олади.

Қайта қуриш ва кенг ошқоралик ҳуқи сураётган айни пайтда журналистлар давримизнинг олдига сафарда бўлишга интилади. Зеро, қурултой ҳам шу рўнда ўтишига имонимиз комил.

**СУРАТДА:** жумҳурият Журналистлар уюшмасининг VIII қурултойи делегатларидан бир гуруҳ.

Суратқаш: Мухаммад АЛИМ.



## Кунига 21 миллион Дона

Тошкент тамани фабрикасининг бир кунлик иш қуввати ана шундай. Агар мааскур корхонадаги чет мамлакатлардан харид қилинган машиналарнинг барчаси бир маромда ишласа, бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми ҳозирги кундагига қараганда ана бир неча баробар ошади. Афсуски, бу қимматбаҳо машиналарга зарур эҳтиёт қисмлари тоғини аниқнинг уруғи билан баробар бўлаётган. Ҳамма гап бо-ра-бора валютага тақалади. У эса корхонада йўқ.

Фабрика жамоаси 1991 йил учун турли савдо ташкилотлари билан шартномалар тузишга муваффақ бўлди. Ана шунинг учун ҳам бу ерда белгиланган режани ундаш учун барча имкониятлар ишга солинаётган.

Кунини кеча марказий матбуотлардан бирда Чита ченишини ташлаётганларга 600 сўм миқдорда пул мукофоти берилишини ўқиб қолдим. Касаба уюшмаси ва маъмурият томонидан таъсис этилган бу мунофот самара берадими, йўқми — номатълум. Ленин бу ҳаракатни бошланғичининг ўзи диққатга сазовор. Ҳани энди бизда ҳам бирор бир танти ташкилот тилиса-ю, ана шундай мукофотни жорий этса. Ҳар ҳолда чекувчлар сонини оз бўлсада намуларини?

Хизмат юзасидан жумҳуриятимизнинг турли бурчакларига сиз қониниша тўғри келади. Гоҳида «07» рақамини юрак титраб тере-сан ишини. Батъан буюртмангини илқили билан қабул қилинади. Қўнғича эса нағдин томондан да-ғал тоғуш билан «Кўти туринг» ни эшитсан. Ана ундан кейин кун-таверасан, кутаверасан тоғининг тамом бўлғичи. Шунда ҳам сиз истаган жойини улашмайди.

ишлайди. Ким билади, балки у ҳам кимларгадир қўполлик қилгандир. Буниси бизга қорону. Лекин ҳа-қончи хизмат юзасидан шахсий тар-тиби 185-бўлган бу қизга сиз қор-сангиз у хушмуомалалик билан буюртмангизни қабул қилади. Им-конини борича сиз истаган ноҳия ёқ қишлоқни тереуқ улайди. У деп-рле ҳар кун бир смена давомида 120 дан ортиқ буюртмангиз бака-ради. Ана энди уни бир оята ёни қолдирса, етти йил мобайнидаги кунларга кўпайтириб туринг, шун-да биласиз уни қанчалик кўп киши-ларга хизмат кўрсатганини.

Мухаррир топшириқ берди: қо-рақалогистон мустор жумҳуриятининг Эллиқалъа ноҳиясида комсомол-ёшлар йиғини бўлибди. Шу ҳақда аудлик билан ахборот бериш керак.

Уларнинг вазинча, оталарининг ҳам қўли калталиқ қилапти. Ноҳия, вилоят ички ишлар органларига қу-линг мувожаатларга ҳеч қандай фойда бермади. Энди эса биздан мадад кутингиз. Лекин бизнинг қу-лингиздан келгани — шу мактубини рўзномамиз саҳифасида эълон қи-лиш. Азиз юртдошлар, кимда ким бизга мактуб йўллаган Шерали, Нур-али ва Гулмираярга ёрдам бериши истава, уларнинг онасини қўрган бў-лса, уларига яқин миқлида бўли-ларига бу ҳақда хабар беришлар.

Эрдан беринг, одамлар!



Ишонгинг келмайди. Махотини Кай-син бир оназор ўзининг уч нафар муғам фарзандини ташлаб ундан кетиб қолди. Бор экан, Мана кеча-гина рўзномамизга шундай гўдак-



# Хабарларда олам нафаси

● **МАДРИД.** Испания пойтахти қинидаги Каса-де-Нампо паркида «Сабхат — тиқлиқини муштаҳамлайди» шiori остида «Хитур-91» анъанавий XI Халқаро саҳнат ярмаркаси очилди. Унда Шуролар Иттифоқи ҳам қатнашмоқда.

● **МОГОДИШО.** Сомалида ҳукумат қўшинлари ва кузгончилар юзлаб одамларнинг улимга ва ун минглаб фуқароларнинг кўчи кетишига сабаб бўлган нурулли мошарони тўхтатиш тўғрисида битим туздилар.

● **МОНТЕВЕДИО.** Уругвайнинг Пасуал шаҳарчаси яқинида Лотин Амриқоси мамлакатларининг биринчи машҳорлар оромгоҳи очилди. Оромгоҳ узра нулиб турган бола акси туширилган алвон ранг байроқ хиллаб турибди.

● **БОНН.** Олмоня фуқаролари мамлакатнинг шарий қисмида мол-мулкларни мусодара қилишни натижасида елтирилган зарарни йоплашнинг талаб қиладиган бўлсанлар ОФЖДА молиявий инқироз юз бериши мумкин. Шу кунгача 14 ишчи ана шундай талаб билан судга мураккаб қилган.

● **ДЕХЛИ.** Ҳиндистон пойтахтида инқилаб босиб кетган натижасида 45 ишчи йраланган. Полициянинг фиринчи бу синх экстремистларининг иши.

● **ТЕГУСИГАЛПА.** Сальвадор ҳукумати Гаагадаги Халқаро судга шикоят қилди. Сальвадор ва Никарагуанинг фиринчи Гондураснинг Фонсека кўрғазидида денгиз соҳилини ушлаб туришга ҳаққи йўқ эмис.

Болтиқбўйида яна қон тўкилди. Бу сафар Ригада. Тбилиси, Боку, Вильнюс қаторига яна бир жумҳурият пойтахтининг номи қўшилди. Сўзсиз бу воқеа ҳар бир шўро кишининг, шу жумладан, ҳар бир ўзбекистонликни чуқур қайғу ва изтиробга солади. Аммо Болтиқбўйидаги воқеалар нафақат бизни, балки бутун дунёни ташвишга солмоқда.

АҚШ президенти Ж. Буш Ригада қон тўкилган куннинг эртасига сўзга чиқиб Болтиқбўйи жумҳуриятларидаги вазиятни хавотир билан кузатяётганини айтди. Президент шўро раҳбарларини «куч ишлатилишига қаршилик кўрсатишга» чақирди. Оқ уйнинг матбуот бўйича котиби Марлин Фицджералд «АҚШ ўзининг НАТОдаги иттифоқчилари билан бирга Болтиқбўйидаги аҳвол тўғрисида ССЖИга қарши чоралар кўриш масаласини муҳокама қилаётганини, аммо ҳозирча бир қарорга келинмаганини маълум қилди.

АҚШ молия вазир Брайди Нью-Йоркда ўтган етти етакчи Ғарб давлатлари молия раҳбарлари кенгашидан сўнг матбуот конференциясида Шўро раҳбарлари билан бўлган муносабатларга тўхтади: «Президентнинг Болтиқбўйи давлатларида нимелар бўлаётгани тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаганимизча бу соҳада ҳамма нарса тўхталиб турилиши ҳусусидаги гапини қайтармоқчи эдим. Фиринча гап воқеаларга бир-икки кун ичида баҳо бермаслик тўғрисида бормоқда. Яқин орада АҚШ ва ССЖИ президентларининг учрашуви бўлади. Шўро қалоклик қилмай воқеаларни диққат билан кузатиш зарур».

Душанба кун Ригада Италия Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили бюросининг хабари тарқатилди. Унда Ташқи ишлар вазирлиги Болтиқбўйи жумҳуриятларидаги воқеалар ривожланиб хавотир тобора ортаётганини айтилади. Болтиқбўйидаги вазият мураккаб бўлишига қарамай, дейиладиган ҳужжатда, Италия ТИВ мулоқот узоқ муддатли қарорларнинг қабул қилишдаги энг изчил усул деб ҳисоблайди. Унда албатта Болтиқбўйи халқларининг қонуний ҳуқуқлари ҳисобга олиниши лозим. Шунинг учун ҳам куч ишлатиш қўрилмаган фожияларга олиб келиши мумкин ва бу Оврупода хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши қатнашчилари бўлган давлатлар бошлиқларининг Парижда ўтган учрашуви ажулларида эътибор қилинган.

## Дунё Болтиқбўйидаги воқеалар ташвишида

Олмоня Ташқи ишлар вазир Геншер баёнот берди: «Ригадаги воқеалар бизни го-ят ташвишлантирмоқда. Вильнюсдаги фожиядан сўнг орадан бир ҳафта ўтмай яна қон тўкилганидан афсусланишдиқат билан кузатиш зарур».

Дания Ташқи ишлар вазир У. Элеман—Енсен Болтиқбўйилик бир гуруҳ талабалар билан бўлган учрашувда унинг мамлақати бундан буён ҳам Литва, Латвия ва Эстониянинг демократик жамият қуриш йўлидаги тинч курашини қўллашга ташвишланганлигини айтди. У «Биз Болтиқбўйи жумҳуриятларидаги вазиятни Оврупо ҳамжамияти, БМТ ва НАТО доирасида муҳокама қилаймиз» — деди.

Оврупо ҳамжамияти раҳбарларининг (ОЖК) расмий вакили комиссия ССЖИ қўроғли куларининг Латвиядаги ҳаракатини муҳокама қилганлигини маълум қилиб, мамлакатимизга берилмаган молиявий ёрдам тўғрисида қўйилган ва Шўролар Иттифоқи билан тузилган битимлар қайта кўриб чиқилиши мумкинлигини айтди.

Страсбургда Оврупо парламентининг (Оврупо ҳамжамиятларининг махсус вазифали оярида) Латвиядаги ҳатти-ҳаракатига норозилик сифатида Оврупо ҳамжамияти ва Шўролар Иттифоқи вакилларининг иттифоқиди ҳамкорлик масаласини юзасидан 24-25 январга мўлжалланган учрашуви бекор қилинган билдирилди.

ЧСФЖ президенти Вацлав Гавел ақшаба кунги Рига воқеаларидан ниҳоятда ранжиганини айтиб, президент Горбачёвни ва ССЖИ ҳукуматини «эўравонлик тўқилиши тўхташи ва барча баҳсли масалаларни демократик йўл билан ҳал этишга» чақирди.

Болтиқбўйида яна қон ишлатилганлиги Польшада ташвиш ва ғазаб уйғотди. Бу ҳақда Польша жумҳурияти ҳукуматининг расмий вакили маълум қилди. У шўро раҳбариятини Болтиқ давлатлари муаммоларини тинч йўл билан ҳал этишга ва у ерда яшовчи халқларнинг иродасини ҳур-мат қилишга чақирди.

# БАҒДОД УРУШ АРАФАСИДА ЭДИ...



Олимжон МИРЗАЕВ — «Огонёк» — ойномасининг Урта Осиё бўйича муҳбири. У яқинда Ироқ пойтахти Бағдодда бўлиб қайтган. Қўйида Олимжон сафар таассуротларини сиз азиз муштарилар билан ўртоқлашадим.

Ироқ пойтахтига 6 январда кўндик. Мен билан бирга «Огонёк»дан Майра Салиқова, марказий ойнаи жаҳон муҳбирлари ҳам келишганди. Афсоналарда бот-бот тилга олинмаган Бағдод бизни очик чеҳра билан қарши олди. Номозшом пайти. Кўш эндигина ўз ётоғига бош қўйганди. Кўхна шаҳар нурга кўмилганди. Улкан пальма дараклари ёнидан, савлат тўкиб турган маҳитлар, виқор билан кўкка бўй чўзган миноралар олдида ўтарканмиз ўзимизни гўё ўша унутилмас болалик чоғларимизда эшитган эрталарнинг сирли оламида юргандай ҳис этдик. Ана шундай гўзал, қадимий ва ҳаммаш навқирон шаҳарнинг бутун э эрта ўт ичида қолишни сирга тасаввуримизга сиздирилмасдим. Аммо тайвараҳода одамларнинг қаллиги, кўчаларда елкасинга «калшакон» осиб олган аскарларнинг тез-тез учраши барбир вазият бўрон олдида бўладиган су-

олдимизга қўйди. Фурсатдан фойдаланиб «Қамал бошланғач мижозлар қамаймади!» деб сўрадик. «Йўқ», — деб жавоб беради у. Бу ерда ет тасангиз уйингизга олиб кетишингиз учун ҳам омак тайвараҳда беришадим. Яхшиямки биз келганимизда хорижлик фуқароларни гаровга ушлаб туриш билан боғлиқ танглик юмшаганди. Ироқ раҳбарияти уларга ваталирига кетишларига ижозат берганди. Шундай бўлсада Бағдодда хорижликлар кўп. Ҳар кун эрталаб Ахборот ва маданият вазирлигига келганимизда амриқолик, фарангистонлик, фин, ҳинд, япон ҳаммасларимизни учратардик. Ҳар қандай суратга олиш ёки ахборот тўплаш мазкур вазирлик руҳсати билан амелга ошириллади. Пойтахт ва унинг атрофида ҳеч қандай чеклаш йўқ.

Бағдоддан кетадиган кунимиз эрталаб Халқаро мусулмон конгрессининг очилишида қатнашдик. Унда бутун дунёдан



СУРАТЛАРДА: Ироқ президенти Садад Хусейн назом ўқийди. Саудия Арабистонида эса кимёвий ҳужумдан хавфсизланган журналистлар махсус ниқоб кийиб олишган. Муаллиф ва АП—ТАСС суратлари.

# ЗАМОН ЗҲРНИКИМИ?

ЕКИ ДУНЕ БОЛАЛА РИГА ЯНА БИР НАЗАР

Тавба, дейдиган замонлар бўлиб-да. Боши қайда, охири қайда — ажратиб қийин бўлиб қолди. Ҳамма ўзинча ҳақ ҳар қалай кўпчилик шундай деб ўйлайди. Уйлайдигина эмас, керак бўлса, буни исботлаш учун мажлис чақиртирадими, унда ҳам ниёти ушлмасамиз — мушт дўлатчилик пўнсага ўтишдан ҳам таймайди. Энг қизғин, уни қўллаб-қувватлайдиганлар топилса қолди дарров. Замон зўрнини, деганлари шу бўлса керак-да.

Июкс, бутун дунё афкор омиси кўз ўнгига бир хил ном-маъқулчиликка йўл қўйган Исроил ва Ироққа бошқа-бошқа чора қўлланиларидими? Бу ерда ҳам таниш-билишчилик бўлади, чоғи. Хуллас, у бўлиб-бў бўлди — Форс кўрғазини уруш гирдобиде қолди. У қанчага чўзилди — буни ҳеч ким баёрат қилолмайди.

Аммо, қизик, Садад Хусейннинг «кўзини очиб йўйиш» АҚШ боти иттифоқчиларга қанчага тушаркин? 10 миллиард... 100 миллиард... 1 триллион...

Ер юзиде эса, ҳар кун 40 минг бола ўлоқда. Очликдан, бошланасизликдан, қаровсизлик турили-туман касалликдан... Бу фожиявий рақам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларида ўз аксини топган. Унинг мўтабар минбаридан туриб нуфузли давлат арбоблари ирод этган нуқтларида тилга олинган, Канчалар ачиниб, афсус-надомат билан айтилган бу сўзлар. Гўё шармандали ҳол бўлиб ҳисобланган бу тамгадан холи бўлиш учун бутун имоният, бутун куч-ғайрат сарфланмаган каби.

Йилга 15 миллион бола 5 ышга тўлмай дунёдан кўз юмади.

100 миллион бола саргардон ҳаёт кечиради, ўқийади, арзишган чойчақа учун хавфли юмушларни бажаради.

10 миллиондан зиёд бола-қочоқ.

Ривожланмаган мамлакатлардаги 40 фоиз бола тўйиб омақталаймади.

— Болалар ўлимининг сабабларидан бири юқули касалликлар ҳисобланади, — дейди амриқолик машҳур эпидемиолог Ульям Фогги. — Канчалик галати бўлмасин, аммо ҳар йили 2 миллиондан кўпроқ бола қизамикдан вафот этади. Минглаб болалар полиомиелит билан оғриб, шол-фаллақли куббатларидан азоб чекмоқдалар. Бундан ташқари, санаот чинқидилари — ҳар хил кимёвий моддалар ҳам «ўз ишини қилоқда. Тамакига, ичкиликка ружу қилган, нашоаван ота-оналар «марҳамати» ҳам наслга ўз салбий таъсирини қўрсатапти, албатта.

Айрим болалар шундай ҳолатда кун кечираётгани, уни фақат бундан уч-тўрт аср ҳаёти билан қиёслаш мумкин, холос. Компьютердан фойдаланишни қўйяриг, ҳарф танимаслиги ҳам майлис, бирок тиббий ёрдамсиз ашаддиганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Халқ тепасида пайғамбарлик даъвосини қилиб ўтирган ар-боблар эса...

Тахмин қилишларича, ердаги қўшинлар ҳам жанга кирмади, АҚШ ва унинг иттифоқчиларининг Форс кўрғазидидаги ҳаракатлари кунга 1 миллиард долларни ташкил қилади. Унга қанча нон беради, қанча мактаб, қанча касалхона қад ростлаши мумкин? Афсуски, ҳозир бундай ҳисоб-китоб билан «бош оғритишга» улар-

нинг вақти ҳам, хоҳиши ҳам йўқ.

Қарангки, ривожланмаган мамлакатлар йилга 50 миллиард доллар миқдориде ёрдам олар эканлар. Лекин, шу пулларнинг аттиги уч фоизини ижтимоий ахтиёжларга сарфлашни ҳамма ҳам билмас керак. Қолган пулларча? Афсуски, мазкур мамлакатлар раҳбарлари ҳам бошқа бир юқули касаллик — эўравонлик касаллигига йўлиққанлар. Йўкс, ахлисиз қор-ночор ҳаёт кечираётганини била туриб, йилга ҳарбий харajatлар учун 200 миллиард доллар сарфларидими?

«5 ышгача бўлган болалар ўртасидаги ўлимни учдан бир-чегина қисқартириш, оналар ўртасидаги ўлимни икки бараварга қамайтириш, тўйиб омақталамаслигини икки мартага қисқартириш, саломатлик учун хавфсиз ичкилик суви билан ҳаммани таъминлаш...»

Буллар БМТ томонидан иш-лаб чиқилган, манаман деган давлат арбоблари маъқуллаган, 90-ўн йилликда амалга оширилмаган вазифалар. Боз устига, 2000 йилга қадар булар Ер юзиде қолмадиётган касаллигидан фориб бўлиш, 1995 йилгача эса анги турилган чақалоқларга хос хасталик — қоқшолни бартараф этиш, қизамик касаллигидан 90 фоизга қадар кутулиш, 90 фоиз бо-лаани эмлашга эришиш...

Қанийди, шундай бўлса, Лекин Форс кўрғазидидаги уруш ҳали узоқ давом этадиган кўрнмади...

СУРАТДА: фалажлик ёки полиомиелит билан оғриган болалар дунёда қанча экан-а!

Камера ПРЕСС — ТАСС сурати.

● **СЕУЛ.** Жанубий Кўрида озин-омак, зарур истеъмол буюмлари ва турли хизмат нархи кескин ошди.

● **ЛИМА.** Перуниинг тоғли ноҳияларида «Сендеро Луминоса» гуруҳининг 35 террорчисига қарши курашаётган полициячилар машинаси милага учраган. Оқибатда 12 ишчи ҳалок бўлди.

● **САН-САЛЬВАДОР.** Ниқоб инйган босқинчиларнинг Эл-Саноте қишлоғида ҳужуми натижасида 13 деҳқон ўлган. Улар орасида аёллар ва кексалар ҳам бор.

● **КОЛУМБИЯ.** Манлакатда «Медельин картел» халқаро наркоманиясига қарши кураш давом этмоқда. Полициянинг муваффақиятли операцияси тўғрисида мафиянинг ҳарбий аппарати раҳбарларидан аяна Ула Давид ва Арнонда Приско Лопера, шунингдек уларнинг икки шахсий соғиши элдирилган.


● **МАНАГУА.** Никарагуанинг Грейтаун қишлоғида яширин қўролроғ оямбори топилди. Унда 30 қутта автомат, кўнлаб граната, мина ва бошқа портловчи моддалар борлиги аниқланди. Оямбор шу пайтгача қўролдор ташламанган «Ган-со» лақабли шахс бошчилиқ қилаётган асиллиқчилобчи тўдага тегишли деб тахмин қилинмоқда.

● **БРЮССЕЛ.** Оврупо ҳамжамияти раҳбарлари штаб-квартираси Форс кўрғазидидаги урушдан зарар кўрган фуқароларга 7,5 миллион эю (10 миллион доллар) миқдориде ёрдам пули аяратишга қарор қилди.

● **ПРЕТОРИЯ.** Жанубий Африка Жумҳурияти қўшинида ҳам, полициясида ҳам оқлар кўпчилигини ташкил этади. Мисол учун полициядаги 4615 зобитдан бор-йўғи 82 нафарни қорарид.

● **СТОКГОЛЬМ.** 30 йшли Мария Эдберг Швециянинг биринчи астро-навти бўлиши мумкин. У машҳур «Эриксон» фирмасида муҳандис бўлиб ишлайди.

## Хабарларда олам нафаси



(«XX аср кундалиги» марказий матбуот материаллари асосида тайёрланди).

**РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ**  
МИТТИ СИГНИРЛАН  
● ВАШИНГТОННИНГ шимол-ғарбидида шатлар дегури тоғликлардан «борот». Шунинг учун бўлса керак, уларда чорвачилик жуда ривожланган. Айниқса, митти сигнрлар етиштириш.

**СТАКАНДАН ҚУРИЛГАН МИНОРА**  
ШВЕЙЦАР И ЯЛИ К пенсионер Дан Вестер-деҳл гаройиб рекорд урнатди. У 3654 та стакандан пирамида шаклида минорача ясади. Дан бу билан «Гиннеснинг» Рекордлар китобида эълан қилди.

**ЕТТИ КУН ВА ЕТТИ ТУН**  
МЮНХЕНЛИК 38 ышли ҳисобчи Петер Шелл роллер-роса етти куну, етти тун танаффуссиз дауду қабул қилди. Шелл

**ЧУҲ УСТИДА УНИН**  
ФИЛИППИН пойтахти Манила шаҳрининг кинубида жойлашган бир қатор қишлоқларда шундай бир одак бор: да лавардан бор ҳосил-й

**РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ**

# «Н У Р А Ф Ш О Н»

Бухоро футболнинг ҳам ўзини хос тарихи бор. Балки кўпчилик бу олис воқеада футболга асос солган киши Абдурауф Хонжон эканлигини билмас. У ким дейсизми? Узбекистоннинг ilk сув муҳандисларидан бири. Ҳали Чор Россияси давридаки футболга меҳри тушган эди унинг. Тошкентдан кейин юртида ўзбек йигитларидан иборат алоҳида команда тузишни олдинга мақсад қилиб қўйган Абдурауфнинг нияти ҳақдагина рўзбека чиқармади. Русиядаги деб яшил қилдилар бўлмади, нима қилсин ахир. Қалдирғочлар Регистоннинг вайронларидан тозаланган майдонларда тўп тепди, футбол сирасорларини ўрганишди. Бухоро қадимдан савдогарларнинг озгина тушган карвонсаройлар юрти эмасми, бу ерга турли ўлкалардан савдогарлар ташриф буюришарди. Улар олиб келган моллар нимада бутси ва футбол туллари ҳам бор эди. 1939 йилнинг Бухоро футбол тарихида туганган ўрин бўлди. Уша йили ilk бор мамлекатнинг икки нуфузли командаси шаҳар командаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказилган қадимий юртга келишди. «Спартак» бу даврда ССЖИнинг икки карра чемпиони, «Зенит» эса тарчи, мамлекат чемпионатида совриндор бўлмасди, алик мерта Кубок ўйнади финалда шитирок эганди. Иккала учрашу ҳам мухлисларга олам-олам завқ бахиллашди.

Урушдан кейин вилоят командаси Узбекистон чемпионатида қатнаша бошлаган (шундан 1948, 1950, 1959 йиллари совриндор бўлган). 1960-1965 йиллар Бухоро футбол учун депсиниш даври ҳисобланиб,

у мамлакат биринчилигининг ҳеч бир лигасида шитирок эганди. Фақат 1966 йилга келиб, бу ерда ташкил топган «Фаворит» командаси мамлекат футбол чемпионатининг «Б» классиде шитирок эга бошлади. Лекин «Фаворит» ҳам бир йилдан кейин ундан на кўра, тарқалиб кетди. 1980 йили батамом инқирозга юз тутиб, иккинчи лигада ўйнаган «Бухоро» командаси бор-йўри бир йил кўра кўрди. Шу-шу бўлганда футбол мухлислари бир неча йил ўз шаҳарларида савган ўйинларини томоша қилишдан денасиб бўлдилар.

Нихоят, Бухоро тўрт комбинати ҳўғанда ташкил қилинган ҳўғалик ҳисобидеги «НУРАФШОН» спорт клуби мамлекат чемпионатида омади келмаган ўзатмоққа бел боғлади. Улар 1988 йили вилоят чемпионини, кейин жумҳурият, 1990 йилда эса иккинчи лига Урта Осиё минтақасидан тўртинчи ўрини Шарқий — ўттиш минтақасидеги ўйнаш ҳўқуқини қўлга киритишди.

Бунда команда мураббийси Олег Бугаевнинг хизматлари катта, албатта. Умуман у Узбекистон футболини ривожлантиришда маълум ҳисса қўшган. Команда бошлиғи Исмаил Сайфуллаев бутун умрини Бухоро футболига бағишлаб келадиган фидойи инсон. Вилоят педагогика олий билимгоҳининг жисмоний тарбия кулли-етини тўтатгач, 3-балалар футболдан

тренерлик қилди. У сабоқ берган футболчилар бугунги кунда турли командаларда макорат билан футбол ўйнашмоқда. Акер-ке Нурилло ва Владислав Ҳабибов, Александр Волков, Игор Пилигин, Абдураҳмон Жўраев, Одил Ҳамидов, Шўхрат Ражабов, Азим Ҳожиев, Собир Шариповларнинг ўзи билан «НУРАФШОН» да команданинг қувончига ҳам, қайғусига ҳам шерик.

Бухорода маҳоратли ўйинчилар бир талай. Юрий Агеев шу ерда ўсиб улғайган. Эсинида бўлса, Юрий 1990 йил «Пахтакор»нинг бир ўйинида қатнашган. Унинг Тошкентга келишига ва яна қайтиб кетишига ҳеч ким ҳалақит бермади.

— Туғилиб ўсган юртим олдидаги фарзандлик тўйғуси устун келди, — дейди Юрий. — Мендан бошқа одам бўлганда ҳам шу йўлни таллаган бўларди.

Валерий Черевяковнинг атрофида мавсум тугаб-туғамай, ҳар хил «ошна-огайин»лари қўлайиб қолишди. Бирови машина деса, бирови катта маош, беш хонали ўй билан сийлайми, деб ваъда берди. Валерий ҳам Юрийга ўхшаб «НУРАФШОН»да қолиш истагани билдиларди. Умуман Черевяков ва Агеевлар ўтган мавсумда командага катта фойда келтиришди. Юрий 34 та тўп киритиб, иккинчи лига Урта Осиё минтақасида энг кўп тўп урарга бериладиган мукофотини олди.

— «НУРАФШОН»да қандай

«Москва сервис» фирмалари «НУРАФШОН»нинг ишончли ҳўмилари. Исмаил Сайфуллаев билан ҳам узоқ сўзбатлашдик.

— Ҳали ўз имкониятларимиздан тўла фойдалана олдик дедимайман. Ҳозир командалар учун айна тайёргарлик пайти. Кўпгина жамоалар Кавказга тайёргарлик машқларини бошлагани жўнашяпти. Аммо мен буни маълумламайман. Майдон топиб, меҳмонхона топмаганлар қанча у ерда. Жумҳуриятимизда, хусусан Бухорода қиш ўйнаб бериши мумкин! Кейинчи! Яна бошқасини олиб келамизми? Бу йил командага бухорилик тўрт нафар ўш футболчи қабул қилдик. Улар Тошкентдаги Г. Титов номидаги ихтисослашган спорт мактаб-интернати битирувчилар. Тўғри, биз ўтган йили команданимизга пахтакорчи Мустафо Билоловни таклиф этдик. Лекин у бизнинг олдимизга бунча маош, мана бу нарсаларни берасизлар, деб талаб қўйгани йўқ.

Кўпчиликнинг ҳўвлидан «НУРАФШОН» бой команда, ҳеч нарсага муҳтоб эмас деган фикр кечини мумкин. Қанийди, шундай бўлса, Шу пайтгача команда ўз базасига эга эмас. 8 минг томошабинга мўлжалланган «Спартак» ўйингоҳидан бошқа «НУРАФШОН» учун ҳеч қандай шароит йўқ. Шаҳар халқ депутатлари кеңаши — 30 минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ ва командага база яратиб бериш тўғрисида қарор чиқарган. Лекин бу қарор қачон амалга ошади, айтиш қийин. Умид билан яшаляймиз.

Бухороникларнинг хорилик ишбилармонлар билан алоқалари яхши. Туркиянинг «Тоскона», «Геней», Финляндия ва Олмо-

# «ИККИНЧИ ЛИГА: УМИД ОҚЛАНСА...»

— Мен Русланинг фикридан қўншмайман. — деди дабурустран «Воғдоҷчи»нинг тренери Ҳанимжон Номозов. — Балки у ўзини ҳақдир. Эҳтимол, у бу ҳўлосада бизда ишлаб кетганидан на йил келган бўлса керак. Бундан 4-5 йил муадамда Воғдоҷ ноҳиясида команда шаклланди, унга «Бинокор» номи берилган эди. Ана шу командага тренер қилиб Р. Шчербакни таклиф қилишди. Шуни таъкидлаш керакки, ўша пайтда команда ёмон ўйин

нафар ўзбек ва 2 нафар қрим-татар йигит тўп сурди. Уларнинг касби ҳар хил: ўқитиш, колхозчи. Команда капитани эса ҳўқуқшунос. Энг муҳими бизда Р. Шчербаков жуда кўчи. Йигитлар ишланди бирга ўсишган. 1980-1985 йиллар мобайнида футболчиларимиз 3 марта жумҳурият биринчилиги қолдиб бўлишган, ўша пайтда мен раҳбарлик қилган вилоят тарма командаси жумҳурият спартакиадасида қолдиришга қўл қўйиб киритган. Шу йигитлар улғайиб ҳар хил касб эраси бўлишди, қўпчилиги йигитлик бурнини ўтагани ҳарбийга кетишди. Шундоқ истеълодлар йўқолиб бормоқда, деб ачинаган эдим. Мана, бугун яна биримиз.

Ҳўмилар қандай ерда кўрсатапти? — Бизга моддий ёрдам бераётган ҳўмилар номини умтимаслигимиз ҳам керак. Яъни сиздан тўла — биздан тарғибот деганаридек. Ўтган мавсумда бизга Кўкчи қурилиш-монтаж бошқармаси катта ёрдам кўрсатди. «Пахтакор» жамоа ҳўғалиги эса команда учун битта автобус ажратди. Мана, командамиз энди мастерлар сафиде ўйнайди, шароит ҳам шунга яраша бўлиши керак. Воғдоҷ марказида «Комсомол 60 йил» қўнми «Ўйингоҳимиз» бор, қўлайлик яратиш мақсадида қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб бориш лозим.

Иккинчиларнинг қувончи чекисиз. Мавсум давомида уларнинг семмили командасида 17 майдонидан 17 учрашувада 16 тасида ғалаба қозониб, бир учрашувада дурантга иришди. Ҳал қилувчи босқичда эса 5 ўйинда 9 очко қўлга киритилди. Энди иккинчилар команданинг сафардаги ўйинларига ҳам борадиган бўдилар. Мен тўғоҳ бўлган Гўрурсаройдаги майдон эгалари билан ўтказилган сўнгги ўйинда ҳам Воғдоҷдан Гўрурсаройга автобуслар сафи тинмай қатнади. Натияжада ким мезбону, ким меҳмон эканлигини ҳам билиб бўлмамай қолди. «Гўрурсарой» учун бу ўйин ҳеч нарса бермаслиги сабаблими — ҳўллас, ўйингоҳга йигитлар боғдоқлик мухлислар мезбонлардан бир неча баравар кўп эди. Учрашу 2:1 ҳисобида боғдоқликлар фойдасига ҳал додликлар ўларнинг қувончили бўлганда, уларнинг қувончили кўрсангиз эди, ўйин пайтида мен билан ёнма-ён ўтирган Воғдоҷ ноҳияси милиция бошлиғининг ташвиши орди. Ҳозир нотинч бўлиб турган бир пайтда бу қувонч қайғуда ғайрат қилишди. Бунинг натижаси кузда кўринди: биз вилоят чемпионлигини қўлга қиритдик ва жумҳурият биринчилигида қатнашиш учун йўлланма олдик.

— Команда ўйинчиларининг барчаси маҳаллий ёшлар эканлиги ростми? — Бўлмасам-чи? Ҳозирги кунда «Воғдоҷчи»да 13

— Кейин яна қайтадан тузилди... — Ҳа, 1989 йил январда. Ўша пайтда мен болалар ва ўсмирлар спорт мактабидеги тренер бўлиб ишлардим. 1-2 йил аввал ушбу мактабни бир нечтаси тўғри ўйинга кириб келишди. Уларнинг мақсади битта — Воғдоҷда яна футбол командаси тузиш эди. Йигитларнинг ишжўнаи менда ҳам умид ўнотди. Тез орада машғулларни бошлаб юбордик. Командани шакллантиришда асосий эътиборни ўзинидадан етишиб чиққан ёшларга қаратдик. Шунингдек, ўша пайтда бошқа командаларда тўп суратган боғдоқлик футболчиларини ҳам унутмадик. Улар таклифимизга рози бўлишди. Йигитлар бутун мавсум давомида ғайрат қилишди. Бунинг натижаси кузда кўринди: биз вилоят чемпионлигини қўлга қиритдик ва жумҳурият биринчилигида қатнашиш учун йўлланма олдик.

— Команда ўйинчиларининг барчаси маҳаллий ёшлар эканлиги ростми? — Бўлмасам-чи? Ҳозирги кунда «Воғдоҷчи»да 13

— Команда ўйинчиларининг барчаси маҳаллий ёшлар эканлиги ростми? — Бўлмасам-чи? Ҳозирги кунда «Воғдоҷчи»да 13

— Команда ўйинчиларининг барчаси маҳаллий ёшлар эканлиги ростми? — Бўлмасам-чи? Ҳозирги кунда «Воғдоҷчи»да 13

— Команда ўйинчиларининг барчаси маҳаллий ёшлар эканлиги ростми? — Бўлмасам-чи? Ҳозирги кунда «Воғдоҷчи»да 13

— Команда ўйинчиларининг барчаси маҳаллий ёшлар эканлиги ростми? — Бўлмасам-чи? Ҳозирги кунда «Воғдоҷчи»да 13

— Команда ўйинчиларининг барчаси маҳаллий ёшлар эканлиги ростми? — Бўлмасам-чи? Ҳозирги кунда «Воғдоҷчи»да 13

— Команда ўйинчиларининг барчаси маҳаллий ёшлар эканлиги ростми? — Бўлмасам-чи? Ҳозирги кунда «Воғдоҷчи»да 13

# «Пахтакор» Малайзияда

Футболчи учун йилнинг ўн икки ойи ҳам мавсум. Балки баъзилар эътироз билдилар: «Қишда-чи, бемалол дам олишди-ку?» деб. Йўқ, расмий қоғозлардагина қайд этилгувчи бу таътил барибир улларга татимайди. Ташвиш кўп. «Юк» энгил эмас. Айниқса, оляй лига талабларига чидаш узоқ танаффусдан сўнг янада мушкул.

Албатта, пахтакорчилар устози Ф. Новиков ҳалиям узил-кесил бир қарорга қарорламапти. Команда таркибининг «хомўчи» ҳисоби муҳимларга наъдум. Лекин барибир иккинчиларнинг бир четиде дардлик саволлар тўғилаётгани тахририятимизга келадиган мактублар ва қўнроқлар руҳидан сезилб турибди. («Четдан ҳадеб футболчилар қадираваримизми?..»)

Кечатгина командамизнинг олис Малайзия сафарига жўнаб кетганини эшитдик. Демак мавсум бошланди. Улар хоржди бор-йўри бир ҳафтагина бўлишди. Кейин яна тинимсиз машғуллар.

Делегация аъзолари 19 инсон. Ф. Новиков (бош тренер), И. Фозилов (команда бошлиғи), ўйинчилар — Шкварин, Денисов, Оганесян, Муҳаммадов, Ключков, Бунтов, Пятницкий, Гаев, Шарипов, Ҳасанов, Бураков, Землин, Магомедов, Пересекоч, Гуленков, Туреусов. Делегацияга жумҳурият физкультура ва спорт Давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Н. Жалолов бошчилик қилапти.

ИВАН ЯРЕМЧУК ОЛМОНИЯДА

Шўро футболчиларининг хорижга спорт клубларида ўйнаш шарти билан кетаётганлиги ҳеч кимга янглик эмас. Ўтган йили биргина таниқли «Динамо» Киев командасининг кўзга кўринган учта ўйинчиси В. Чанов, О. Протасов, Г. Литовченколар хорижга жўнаб кетишди.


Шу команданинг ярим ҳимоячиси Иван Яремчукнинг спортда кўлам омади чоимайди. Уни қобилиятсиз, ёмон футболчи деб атабас хато қилган бўларди. Кетма-кет жароҳат олишлар унинг кўп умидларини чиппака янкарди. Қуни неча ойнан жаҳондан ахши хабар эшитдик: «Яремчук шу йил мавсум охиригача ўйнаш шарти билан Олмониянинг 2-дивизионидеги ўйнаётган «Блау-вайс» командаси билан шартнома имзоладди.

КИМ ҲАҚАМЛИК ҚИЛАДИ?

Берида бўлиб ўтган УЕФА ҳақамлари комиссиясининг навбаддаги йнғилиши Овруло чемпионати саралаш ва кубок ўйинларининг ҳақамлари руҳиятини аниқлади.

17 апрелда бўладиган Венгрия — ССЖИ ўйинида немис Шиндхубер ҳақамлик қилса, унинг ватандоши Тритшлер Овруло чемпионлари кубоги чорак финал иштирокчилари «Спартак» (Москва) — «Реал» (Мадрид) командаларининг биринчи ўйинида, жаваб матчида эса шотланд Уоллел бош ҳақам бўлади.

Москвалик ҳақам Спирян «Прена звезда» (Югославия) — «Динамо» (Дрезден) жамоалари дастлабки ўйинига, «Динамо» (Киев) — «Барселона» (Испания) учрашуварлида Сайм (Шотландия), Петрович (Югославия), «Брондуб» (Дания) — «Торпедо» (Москва) ўйинларига Ван Ленгенхове (Бельгия) ва Ванкенстайн (Голландия) бош ҳақамлик қилдилар.



«Соғлигинг — бойлигинг» дейди доно халқимиз. Ушбу суратга қараб бирор вилоят марказидаги мактабда, деб ўйлашнинг мумкин. Бу сурат ҳеч бир вилоят ёки ноҳия марказига тегишли эмас. Қошим ҳўқияси «Октябрь 40 йилгига» номидаги Давлат бурдоқчилик заводи қасабасида болаларга бўли вақтларини мазмунли ўтказиш учун турли-туман шаронлар яратиб берилмоқда. Шу жумладан жисмоний тарбия ва спорт билан шўғулланиш учун ҳам. СУРАТДА: жисмоний тарбия ўқитувчиси Серик Рзатов болаларга курашдан сабоқ бермоқда. Ж. МИРЗАЕВ (ЎТАП) сурати.

1990 йил футбол мавсуми жумҳурият биринчилигида шитирок эгаётган командаларининг финал учрашуварли билан аяқланди. Иккинчи лига командалари сафарда шитирок этиш ҳўқуқини қўлга қиритиш учун 10 жамоа кураш олиб борди. Бир неча бўлиқдан иборат бўлган чемпионатда Ҳаққуллобдин «Норин» жамоаси ҳам тўп қийиб, Мастерлар командаси номини олишга сазовор бўлди.

Руслан Шчербакнинг номи футбол мутахассисларига ахши таниш. У Новосибирскнинг Армия спорт клуби, Воқунинг «Нефтьчи», Сумгаининг «Полаз» ҳамда Қарағанданинг «Шахтёр» командаларида тўп сурди, «СССР спорт мастери» ишонини қўлга қиритган. Тренерлик соҳасида ҳам унинг омади келди. 1983—1985 йилларда Камшиннинг «Тенгизчи» командаси Россия биринчилигида қолди бўлди. Кейинчалик у жумҳуриятнинг футбол жамоаларига устоилик қилди. Ҳаққуллобдин «Норин» командасининг 1990 йилнинг 19 йилларида қабул қилиб олган эди. Бир мавсумнинг ўзида уни мастерлар командаси даражасига кўтарди.

Бу ютуқ ўз-ўзиндан келгани йўқ. Мавсум бошида команда тарқоқ ҳўлда эди. Команда асоси ўша пайтда маҳаллий футбол мактаблари тарбияла-

нувчиларидан Ф. Мамасиддинов, Р. Ҳамидов, Ш. Исмондиров, М. Қирғизов ва яна бир неча хаваскор футболчилардан иборат эди. Бу «юк» билан узоқча боролмаслигига кўзи этган тренер атрофдан таърибли футболчиларни қақришга мажбур бўлди. Команда шакллантира, унинг сардорлари ҳам кўзга ташлана қолди. Дарвозабон В. Панунов мавсум давомида нишончи ҳаракат қилди. У

# Миллий команда бўладими?

— Команда ўйинчиларининг барчаси маҳаллий ёшлар эканлиги ростми? — Бўлмасам-чи? Ҳозирги кунда «Воғдоҷчи»да 13

— Команда ўйинчиларининг барчаси маҳаллий ёшлар эканлиги ростми? — Бўлмасам-чи? Ҳозирги кунда «Воғдоҷчи»да 13

Бош муҳаррир Жаббор РАЗЗОКОВ.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Муҳаддас АБДУСАМАТОВА, Зибнадино ОРИТҚИҲУЖАЕВ, Қарим РАҲИМОВ, Фаррух РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Зайнабдин РИХСИЕВ (масхул қотиб), Қурбон ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчи: Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси (УЧРЕДИТЕЛЬ ЦК ЛКСМ УЗБЕКИСТАНА)

Рўнома 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган.

БЎЛИМЛАР: Ёшлар сўбатини — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-55-96; табиат ва экология — 32-57-52; иқтисодиёт ва тижорат — 32-58-47; ахлоқ ва ахлоқ — 32-57-52; спорт ва вақтинларварлик — 32-55-81; халқ таълими — 32-58-48; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; қабулхона — 32-56-58.

Манзилгоҳимиз: 700083. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-й. Индекс: 64607. 380.000 нускада чоп этилади.

Қўнмалар ҳамда суратлар маълумлиқларга қайтарилимайди ва тақдир этилмайди.

Рўномамиз қақтиқнинг сешанба, чоршанба, пинум, шанба кунлари чиқади.

Яна рўномада қўришгунинг!